

Имод Мақдисийнинг ибратли вафоти



08:25 / 28.05.2020 1886

Зиё айтади: «Имод Мақдисий раҳматуллоҳи алайҳ 614 санада вафот этди. Вафот этган кунлари рўза тутган эдилар. Шом намозини масжидда ўқидилар. Сўнг уйга қайтиб, енгил таом билан ифторлик қилдилар. Сўнг жонлари узилди. Жанозасига бутун халқ ҳозир бўлди. Жума кунидан бошқа вақтда масжидда бунчалик кўп одам тўпланганини асло кўрмаган эдим. Волий одамларни маййитдан узоқроқ туришга чақирди, чунки одамлар бир-бирини суриб, тобутга яқинлашишга ҳаракат қилар, ҳатто баъзилар оёқ остида қолиб кетарди. Шу вақтга қадар бунчалик кўп одам тўпланган жанозани кўрмаганман. Баъзиларнинг айтишича, Имод Мақдисий раҳимахуллоҳ вафот этар чоғи: «Ё Ҳайй, Ё Қоййум! Лаа илааҳа илла анта. Бироҳматика астағийсу» (маъноси: «Эй доимо Тирик ва Қоим бўлган Зот, Сендан ўзга илоҳ йўқ. Ўзингнинг раҳматинг ила Ўзингдан ёрдам сўраймиз»), дея қибла томонга юзланиб, шаҳодат калимасини айтиб

жон берган экан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан